

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

19-сон
(883)
2019 йил
13 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

359. «Турғун органик инфослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 майдаги ЎРҚ–535-сон Қонуни
360. «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ–536-сон Қонуни
361. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ–537-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

362. «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ри-

- вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон қарори [Кўчирма]
363. «Самарқанд шахрида «Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4311-сон қарори
364. «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори

Бешинчи бўлим

365. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2019 йил 4 апрелдаги 2019-16-сон, 34-сон «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2683-1*)
366. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 4 апрелдаги 2019-17-сон «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3158*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 4 майдан 10 майгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****359 Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 5 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенцияси (Стокгольм, 2001 йил 22 май) қуйидаги баёнот билан ратификация қилинсин:

«Конвенциянинг 25-моддаси 4-бандига мувофиқ А, В ёки С иловаларга ҳар қандай тузатишлар Ўзбекистон Республикаси учун фақат бундай тузатишларни ратификация қилиш, қабул қилиш, маъқуллаш ёки уларга қўшилиш ҳақида унинг ҳужжатлари сақлашга топширилгандан кейин кучга кирази».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 май,
ЎРҚ-535-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 10 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

360 Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «**Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида**»ги 510–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 616–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини ва Сенатида доимий асосда ишлаган Сенат аъзоларини ваколатлари муддати тугаганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилган тақдирда ишга жойлаштириш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 11 майда эълон қилинган.

1) **8-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг иккинчи қисмидаги:**

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

3) **21-модданинг:**

тўртинчи қисми ўзбекча матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «минерал ва термал сувлар бўйича — ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **41-модданинг иккинчи қисмидаги** «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **44-модданинг иккинчи қисмидаги** «ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» деган сўзлар «геология ва минерал ресурслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2,

18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 17-модда иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқади»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 26-модданинг:

ўн биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи** ва **ўн иккинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«қонунларни шарҳлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўриб чиқиши учун тақдимнома киритади»;

ўн иккинчи — йигирманчи хатбошилари тегишинча **ўн учинчи — йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган 927–ХII-сонли Қарори билан тасдиқланган **Суд, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази** ва **Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 164–II-сонли Қарори таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 134-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 6, 299-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Суд тизими ходимларининг мансаб
даражалари тўғрисидаги
НИЗОМ»;**

2) **1-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (бундан буён матнда Олий мактаб деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **2-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **3-модда** «махсус унвонини» деган сўзлардан кейин «ва мансаб даражасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **4-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Мансаб даражалари:

1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси	— Кенгаш раисига;
2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси	— Олий мактаб директориغا;
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси	— Департамент директориغا, Олий мактаб директорининг ўринбосарига;
1-даражали адлия маслаҳатчиси	— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди котибияти мудирига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бошқармалари бошлиқларига, Кенгаш котибига, Олий мактабнинг кафедра мудирига, кафедра профессорига, кафедра доцентига, Департамент директорининг ўринбосарига;
2-даражали адлия маслаҳатчиси	— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бошқарма бошлиқлари ўринбосарларига ва бўлим бошлиқларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг, Олий суди раисининг ёрдамчиларига, Кенгашнинг етакчи инспекторларига ва биринчи бўлими мудирига, Олий мактабнинг бўлим бошлиқларига, кафедра ўқитувчиларига, Департаментнинг бўлим ва ҳудудий бўлимлари бошлиқларига;
3-даражали адлия маслаҳатчиси	— Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг экспертларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати котибиятининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлим бошлиқлари ўринбосарларига, бош ва катта консультантларига, Кенгашнинг архив мудирига ва девонхона мудирига, Олий мактабнинг юрисконсультига, бош ва етакчи мутахассисларига, Департаментнинг бош мутахассисларига, кадрлар бўйича бош инспекторига ва юрисконсультига;
1-даражали юрист	— Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди-

- нинг бўлим бошлиқларига, бош мутахассисларига, судья катта ёрдамчиларига, Олий мактабнинг девонхона мудирига, архив мудирига;
- 2-даражали юрист — Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг катта мутахассисларига, девонхона мудирларига, судьялар малака ҳайъатлари котибларига, Департамент ҳудудий бўлимларининг бош мутахассисларига;
- 3-даражали юрист — туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг судья ёрдамчиларига, девонхона мудирларига берилади»;

6) **5-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. 1, 2 ва 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси мансаб даражалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

1, 2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек 1, 2 ва 3-даражали юрист мансаб даражалари:

Кенгашнинг ва Олий мактабнинг ходимларига — Кенгаш раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг девони ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи турувчи судларнинг девонлари, Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Кенгаш раиси ушбу Низомнинг 4-моддасида назарда тутилмаган лавозимни штат жадвалида мавжуд муайян лавозимга тенглаштиришга ҳамда 1-даражали адлия маслаҳатчиси ва унганча бўлган мансаб даражасини беришга ҳақли»;

7) **6¹-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **7-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Судларга, Кенгашга, Олий мактабга, Департаментга ва унинг ҳудудий бўлимларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа ташкилотлардан ишга ўтган ходимларга мансаб даражалари улар қайси лавозимга тайинланганлиги, билими ва иш тажрибаси, шунингдек илгариги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонлари ва мансаб даражалари ҳисобга олинган ҳолда берилади»;

9) **9-моддадаги** «Юридик мутахассислик бўйича иш тажрибаси» деган сўзлар «Иш стажи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **10-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **11-моддадаги** «Марказда» деган сўз «Олий мактабда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **13-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **14-моддадаги** «Марказ» деган сўз «Олий мактаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киририлсин:

1) **70-модда биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма конларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш

талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан бузиш»;

2) 97-модданинг:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«97-модда. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш»;

биринчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш»;

3) қуйидаги мазмундаги **97¹-модда** билан тўлдирилсин:

«97¹-модда. Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш

Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 98-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Саноатда ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормаларини ҳамда йўриқномаларини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача,

мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **260-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«260-модда. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг органлари

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг органларига ушбу Кодекснинг 55-моддасида, 70-моддасида (ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисмида), 97, 97¹, 98-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Давлат қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваригача миқдорда;

инспекцияларнинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

кон-техник инспекцияларининг ва ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

давлат инспекторлари — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда»;

6) қуйидаги мазмундаги **260¹-модда** билан тўлдирилсин:

«260¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига ушбу Кодекснинг 70-моддасида (бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги қисми мустасно), 71-моддасида (бундан табиатни муҳофаза қилиш қоидалари мустасно), 72-моддасида (ер ости сувларига доир қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосари — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда;

минтақавий инспекциялар бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваригача миқдорда;

инспекторлар — энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда»;

7) **261-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг тўртинчи қисмида (бундан қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисмида), 70-моддасида (бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги мустасно), 70¹-моддасининг биринчи қисмида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 72-моддасида (бундан ер ости сувларига доир қисми мустасно), 73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (бундан ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86, 87, 88, 89-моддаларида (бундан атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш мустасно), 89¹-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91, 91¹, 91², 91³, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экологик экспертизасига оид қисмида), 148-моддасида (бундан ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар мустасно), 162-моддасида, 163¹-моддасида (бундан уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш мустасно), 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Ер ости бойликлари тўғрисида**»ги 2018–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**олтин изловчилар усулида кавлаб олиш** — ер қаъри участкаларидан, шу жумладан сочма олтин конларидан тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металлларни носаноат усулда кавлаб олиш»;

2) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади»;

3) **8-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш, ер қаърини муҳофаза этиш бўйича узоқ муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш, ер қаъри мониторингини амалга ошириш тартибини белгилаш, шунингдек фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисобини ташкил этиш;

фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ҳамда фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансини, фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастрини юриш тартибини белгилаш;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилаш;

қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида кавлаб олишни амалга ошириш тартибини тасдиқлаш»;

4) қуйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

кончилик муносабатлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; ер ости бойликлари давлат фондиди тасарруф этиш;

минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш йиллик давлат дастурларини тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

кенг тарқалган фойдали қазилмаларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

кенг тарқалган фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш»;

5) **11-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби

Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида кавлаб олиш учун, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш учун, шунингдек нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилиши лозим.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини давлат ҳисобига қўйилмасдан туриб амалга оширишга йўл қўйилмайди, бундан давлат геология фонди билан келишилган ҳолда амалга ошириладиган ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганишга оид ишлар мустасно»;

6) **12-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **14-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **15-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **16-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

10) **17-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда мавжудлиги тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.

Кавлаб олинган ва кавлаб олиш жараёнида йўқотилган фойдали қазилмаларни ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариш ер қаъридан

фойдаланувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг розилиги билан амалга оширилади»;

11) **19-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер қаъридан фойдаланиш турлари қўйидагилардан иборат:

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш;

олтин изловчилар усулида кавлаб олиш;

техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини, шу жумладан нефть, газ, газ конденсати (бундан буён матнда углеводородлар деб юритилади), бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, чиқиндиларни сақлаш ва қўмиб ташлаш учун ер ости иншоотларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо қилиш;

нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш»;

12) **22-модданинг иккинчи қисмидаги** «ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган» деган сўзлар «ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **23-модданинг биринчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«олтин изловчилар усулида кавлаб олиш учун — уч йил муддатга»;

тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14) **25-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилиш давлат дастурларида назарда тутилган геология қидирув ишларини олиб бориш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан амалга оширилади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисоби юритилиши»;

15) **26-модданинг бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лицензия:

лицензия эгаси ҳақидаги маълумотларни;

ер қаъри участкасининг номини;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишлардан мўлжалланган мақсадни;

фойдаланишга берилаётган ер қаъри участкасининг дастлабки кўрсаткичларини;

ер қаъридан фойдаланиш муддатларини;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларини ўз ичига олиши керак»;

16) **27-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, олтин изловчилар усулида кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган геологик объектларни барпо этиш ҳамда нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган лицензиялар мустасно»;

17) **28-модда:**

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фойдали қазилмалар конларини ишлатиш учун кон ажратмалари саноат хавфсизлигини таъминлашга доир қисмида Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан келишилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан берилади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фойдали қазилмалар конлари жойлашган жойларда ер участкаларининг ажратмаси кон ажратмасига мувофиқ ажратилади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

18) **29-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишлатилаётган конда фойдали қазилмаларнинг ёки қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларнинг янги турлари мавжудлиги тўғрисида, шунингдек фойдали қазилмаларнинг янги хоссалари ёки хусусиятлари ҳақидаги, лицензияни бериш пайтда номаълум бўлган маълумотлар аниқланган тақдирда, ер қаъридан фойдаланувчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига фойдали қазилмаларнинг захираларини қайтадан тасдиқлаш учун геологик материаллар юбориши шарт.

Лицензияни берган орган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларига Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг қарори асосида ўзгартишлар киритиши мумкин»;

19) **33-модданинг биринчи қисми:**

тўртинчи хатбошисидаги «углеводород» деган сўз «фойдали қазилма» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбе-

кистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) қуйидаги мазмундаги **38¹-модда** билан тўлдирилсин:

«38¹-модда. Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида кавлаб олишни амалга ошириш

Тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида кавлаб олишни амалга ошириш мақсадида ер қаъри участкалари юридик ва жисмоний шахсларга берилади.

Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида кавлаб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун ер қаъри участкалари, шу жумладан ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган сочма олтин конлари ер ости кон қазишмалари йўлакларисиз ва портловчи моддалардан фойдаланмаган ҳолда хавфсиз (йўл қўйиладиган) чуқурликкача берилади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар ишларни олиб бораётганда қимматбаҳо металлларни ажратиб олишнинг рудани фақат майдалашни ва гравитация усулини қўллаш ҳуқуқига эга.

Кимёвий реагентлар қўлланилган ҳолда қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш технологиясидан фойдаланиш тақиқланади»;

21) **42-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **45-модда:**

биринчи қисмидаги «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар «янги аниқланган конда фойдали қазилмалар захиралари тасдиқланган санадан эътиборан бир йил давомида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **50-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан ишлаб чиқариш назорати ер қаъридан фойдаланувчиларнинг геологик, маркшейдерлик ёки техник хизматлари томонидан, бу каби хизматлар мавжуд бўлмаган тақдирда эса тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда,

№ 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **69-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини ва Сенатида доимий асосда ишлаган Сенат аъзоларини ваколатлари муддати тугаганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тарқатиб юборилган тақдирда ишга жойлаштириш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

2) **106-модданинг 2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланган тақдирда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенатида доимий асосда ишлаган Сенат аъзоси ваколатлари муддати тугаганлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати тарқатиб юборилганлиги муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтган тақдирда»;

3) **165-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Корхоналарнинг, муассасаларнинг ёки ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ваколатларини ишлаб чиқаришдан ёки хизмат фаолиятдан ажралмаган ҳолда амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосини у сенаторлик мажбуриятларини бажараётган вақтда унинг иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Сенаторлик вазифаларини бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатига ва Сенати аъзосига ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили берилади, бундан қонун ҳужжатларида кўпроқ муддатли таътил назарда тутилган ҳоллар мустасно. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатига ҳар йилги меҳнат таътили, қоида тарихида, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда берилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул

қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида**»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек сенаторнинг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади»;

2) **20-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатининг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади»;

2) **20-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 14-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатасининг қўмиталаридаги қонун лойиҳаси муҳокама-ларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 32-модда:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади»;

саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) 32¹-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Қонунчилик палатаси депутатининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил,

№ 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **31-модда:**

куйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади»;

саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **31¹-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**»ги 704–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **16-моддаси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16-модда. Депутатнинг ва Сенатда доимий асосда ишлаётган сенаторнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари

Депутатларга, сенаторларга ваколатлари муддати тугаганидан кейин ишга жойлашишга доир кафолатлар берилади. Ваколатлари муддати тугагач, депутатга, сенаторга ўзининг розилиги билан бошқа лавозимдаги иш, шу жумладан юқорироқ лавозимдаги иш ҳам берилиши мумкин.

Депутат, сенатор илгариги иш жойига (лавозимига) қайтган тақдирда, депутатнинг, сенаторнинг аввалги эгаллаб турган лавозимига қабул қилинган шахс билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 106-моддасининг 2-бандига мувофиқ бекор қилинади.

Корхона, муассаса, ташкилот қайта ташкил этилган ёки ходимлари сони (штати) ўзгарган тақдирда депутатга, сенаторга ваколатлари муддати тугаганидан кейин илгариги иш жойи бўйича бошқа аввалгисига тенг лавозим

беради. Бунда депутатни, сенаторни ишга жойлаштириш мажбурияти ҳуқуқий ворис зиммасига юклатилади.

Корхона, муассаса ёки ташкилот тугатилган тақдирда, депутатга, сенаторга ўзининг розилиги билан бошқа корхонада, муассасада ёхуд ташкилотда иш (лавозим) беради. Бунда депутатни, сенаторни ишга жойлаштириш мажбурияти юқори турувчи орган ёки бошқа ваколатли орган зиммасига юклатилади.

Сайланишига (тайинланишига) қадар, лавозимларга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган лавозимларда ишлаган депутатларни, сенаторларни ишга жойлаштириш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат тарқатиб юборилган тақдирда, депутатга, сенаторга ишдан бўшатиш ойлик нафақаси ҳисобга олинган ҳолда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари муддати умумий иш стажига, хизмат муддатига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида**»ги ЎРҚ–60-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар) **6-моддаси** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили қонун лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркибий бўлинмаларининг, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлайди, қонун ижодкорлиги фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан ҳамкорлигини ташкил этади».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган «**Суд экспертизаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–249-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 230-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **26-моддасининг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республика-

си давлат суд-экспертиза муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–353-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 9, 239-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссиясининг фаолиятини таъминлайди»;

2) **10-модданинг:**

номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10-модда. Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси»;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юритилади) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштиришни амалга оширади».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ–403-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги мазмундаги **24¹-модда** билан тўлдирилсин:

«24¹-модда. Парламент назорати субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг кўмаклашишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили парламент назорати субъектларига Вазирлар Маҳкамасининг кўмаклашишини таъминлайди, хусусан:

Давлат бюджети лойиҳасининг Олий Мажлис палаталари кўриб чиқиши учун тақдим этилишини таъминлайди;

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг Қонунчилик палатасига тақдим этилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги ижтимоий-иқтисодий ривожла-

ниш якунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Олий Мажлис палаталарига тақдим этилишини таъминлайди;

зарур бўлганда Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини Олий Мажлис палаталари томонидан эшитишни ташкил этиш чораларини кўради;

ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитишни ташкил этиш чораларини кўради;

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатининг ёки Сенат аъзосининг сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Олий Мажлис палаталари қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқнинг қўлланилиш амалиётини Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари томонидан ўрганиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чоралар кўради, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мазкур йўналишдаги бошқа ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириб боради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларининг улар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя этилиши, Олий Мажлис палаталарининг, улар кенгашларининг қарорлари, кўмиталари ва комиссияларининг қарорлари бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитишда иштирок этади».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда) **208-моддаси олтинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд процесси иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқига эга».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда) **165-моддаси тўртинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суд ишларини юритиш иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш, стенограмма юритиш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда) **143-моддаси тўртинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш, стенограмма юритиш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга».

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 май,
ЎРҚ–536-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

361 Давлат-хусусий шериклик тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 26 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 3 майда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битимларга ва давлат харидлари соҳасига нисбатан татбиқ этилмайди.

2-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси — давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни ҳал этишга доир танловни асослаб берадиган, ушбу лойиҳанинг қийматини ва тавсифини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини, асосий тавсифномалари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 11 майда эълон қилинган.

давлат-хусусий шериклик объекти — лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, фойдаланилиши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкӣ комплекслар, ижтимоӣ инфратузилма, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

давлат-хусусий шериклик объектдан эркин фойдаланилиши учун тўлов — давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объектдан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкilotлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади;

фойдаланганлик учун тўлов — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинadиган тўловлар;

хусусий шерик — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.

4-модда. Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари

Давлат-хусусий шерикликнинг асосий принциплари куйидагилардан иборат: давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги; давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги;

хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик;

камситишга йўл қўймаслик;

коррупцияга йўл қўймаслик.

5-модда. Давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги принципи

Давлат шериги ва хусусий шерик тенг тарафлардир.

6-модда. Давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги принципи

Давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари манфаатдор шахслар учун очик, шаффоф ва тушунарли бўлиши керак.

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт.

7-модда. Хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик принципи

Хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик танловга кўра саралаб олиш механизмларидан фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ва холис ҳамда асослантирилган мезонлар асосида мақбул вариант фойдасига қарорлар қабул қилишдаги ҳалоллик ва шаффофлик ҳисобига таъминланади.

8-модда. Камситишга йўл қўймаслик принципи

Камситишга йўл қўймаслик қўйидагиларни таъминлаш орқали кафолатланади:

тендер тартиб-таомиллари иштирокчилари ҳуқуқларининг тенглиги;
хусусий шерикни танлашдаги холислик;
хусусий шерикни танлашдаги очиқлик.

Хусусий ташаббускорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга, шу жумладан чет эллик хусусий ташаббускорларга, талабгорларга, хусусий шерикларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тенг ҳуқуқлар, фаолиятнинг камситиш хусусиятига эга чоралар қўлланилишини истисно этувчи ҳуқуқий режими кафолатланади.

9-модда. Коррупцияга йўл қўймаслик принципи

Давлат-хусусий шериклик қоидалари ва тартиб-таомилларига доир талаблар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслиги ҳамда коррупциянинг ва коррупцияга сабаб бўлувчи омилларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни таъминлаши керак.

2-боб. Давлат-хусусий шериклик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

10-модда. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

мавжуд ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга, тиклашга, ундан фойдаланишга, уни сақлашга кўмаклашиш;

ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш;

хусусий секторнинг молиявий маблағларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш;

давлат-хусусий шерикликнинг институционал-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат-хусусий шериклик соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун давлат шеригини белгилайди;

давлат-хусусий шериклик соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;

умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлайди;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритиш тартибини белгилайди.

12-модда. Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

давлат-хусусий шериклик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишда идоралараро мувофиқлаштиришни таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепцияларини ишлаб чиқишда вазирликларга, давлат қўмиталарига, идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўмаклашади;

инвесторлар, халқаро молия ва донорлик ташкилотлари, илмий ва экспорт ҳамжамиятлари, шунингдек давлат-хусусий шерикликнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил этади;

давлат-хусусий шериклик соҳасида услубий ҳужжатларни, қўлланмалар ва йўриқномаларни тайёрлайди;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг техник-иктисодий параметрларига доир шарҳларни кўриб чиқади ва тақдим этади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлашга ва амалга оширишга кўмаклашади;

умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини маъқуллайди, рад этади ёки маромига етказиш учун қайтаради;

умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади;

тендер ҳужжатларининг ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг лойиҳаларини келишиб олади;

давлат-хусусий шериклик соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

давлат-хусусий шериклик масалалари юзасидан тушунтиришлар беради;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бажарилишининг бориши юзасидан мониторингни амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун маслаҳатчиларни жалб этади.

3-боб. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари

Давлат шериги ва хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафларидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини молиялаштирувчи молиявий ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар ҳам давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари бўлиши мумкин.

Давлат шериги томонидан ваколат берилган давлат корхоналари ва (ёки) ташкилотлар давлат шериги томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шеригининг мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда ҳаракат қилиши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун давлат шериги тўлиқ жавобгар бўлади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бунда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун хусусий шерик тўлиқ жавобгар бўлади.

14-модда. Давлат-хусусий шериклик тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Давлат шериги:

хусусий шерикдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартлари бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот сўраш ва олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларининг бажарилишини назорат қилишга ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши натижаларини баҳолашни амалга оширишга;

қонун ҳужжатларига ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш доирасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича хусусий шерик айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун маслаҳатчиларни жалб қилишга ҳақли.

Давлат шериги:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатларини бериши, уларга тендер ҳужжатлари қоидаларини тушунтириши;

тендер иштирокчиларига давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланилаётган жой ва объект билан танишиб чиқиш учун зарур шароитларни таъминлаши;

фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни хусусий шерикка эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланишга бериши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномаларни олишда хусусий шерикка кўмаклашиши;

ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик тўғрисида тузилган битимларнинг кўчирма нусхаларини, шу жумладан битимларга доир иловаларни, ўзгартишларни ёки қўшимчаларни давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ёхуд тегишли ўзгартишлар ёки қўшимчалар имзоланган санадан эътиборан йигирма календарь кун ичида тақдим этиши;

хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ўз инвестициялари ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини чекламаслиги;

хусусий шерик ёки хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Хусусий шерик:

давлат шеригидан давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олишга;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритишга;

давлат шеригининг айби билан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Хусусий шерик:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва битим талабларига риоя этиши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва битимда назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиши шарт.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзига берилган ер участкасини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

4-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш ва тайёрлаш

15-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси давлат органи (ташкilotи) (бундан буён матнда давлат ташаббускори деб юритилади) ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд юридик шахс (бундан буён матнда хусусий ташаббускор деб юритилади) томонидан ташаббус қилиниши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ташаббус қилиш:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқишни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини баҳолаш, келишиш ва тасдиқлаш учун тегишли давлат органига юборишни;

ваколатли давлат органи томонидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини кўриб чиқишни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепциясини ваколатли давлат органи томонидан маъқуллашни, рад этишни ёки маромига етказиш учун қайтаришни;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг келишиб олинган концепциясининг давлат шериги ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланишини;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ваколатли давлат органи томонидан Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритишни ўз ичига олади.

16-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини давлат ташаббускори томонидан тайёрлаш

Давлат ташаббускори давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини, қоида тариқасида, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинги ўз ваколати соҳасига кирувчи устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг оқилоналиги ва самарадорлигини ҳамда бу лойиҳани

амалга ошириш мақсадида унинг мақбул шаклини аниқлашни таъминловчи дастлабки молиявий ҳисоб-китоблар асосида, хусусан:

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг молиявий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ хусусий шерик томонидан лойиҳалаштирилаётган, барпо этилаётган, молиялаштирилаётган, реконструкция қилинаётган, фойдаланилаётган ёки хизмат кўрсатилаётган давлат-хусусий шериклик объектининг таркиби ва параметрлари;

хусусий шерикнинг кутилаётган инвестициялари ҳажми ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларидан тахмин қилинаётган молиялаштириш ҳажми;

давлат шеригининг ва хусусий шерикнинг мажбуриятлари;

хусусий шерикка кўрсатиладиган давлат кўмагининг турлари;

музокаралар ўтказиш муддатлари;

давлат-хусусий шериклик объектдан фойдаланган ҳолда тақдим этиладиган товарлардан (ишлардан, хизматлардан) фойдаланиш шартлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Аҳолининг, товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчиларнинг, улардан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш жамоатчилик муҳокамалари билан бирга олиб борилиши керак.

17-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини хусусий ташаббускор томонидан тайёрлаш

Хусусий ташаббускор давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқишга ва потенциал давлат шеригига тақдим этишга ҳақли. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси мавжуд муаммоларни ҳал қилишга доир инновацион ёндашувни ўз ичига олиши ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаши керак.

Хусусий ташаббускор давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тақдим этишдан олдин дастлабки муҳокама ўтказиши, шунингдек потенциал давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида ахборот алмашиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини олган потенциал давлат шериги унинг амалга оширилишини маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади.

Хусусий ташаббускорнинг умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси концепцияси маъқулланган тақдирда, потенциал давлат шериги ушбу концепцияни ваколатли давлат органига келишиш учун юборди.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш учун куйидагилар асос бўлади:

хусусий ташаббускорнинг талабгорларга нисбатан қўйиладиган, ушбу Қонунда белгиланган талабларга мос келмаганлиги;

потенциал давлат шеригида давлат-хусусий шериклик объектига нис-

батан хўжалик юритиш ҳуқуқининг ёки оператив бошқарув ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш, қуриш, барпо этиш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш заруриятининг мавжуд эмаслиги;

лойиҳани амалга оширишнинг иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги ва (ёки) бунга ижтимоий эҳтиёжнинг мавжуд эмаслиги.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланган тақдирда, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ҳамда бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини ўзининг расмий веб-сайтида, ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа махсус веб-сайтларда беш календарь кун ичида эълон қилади.

Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида потенциал давлат шеригига бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, потенциал давлат шериги ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади ва хусусий ташаббускор билан музокараларни ўтказишга киришади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишади ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида хусусий ташаббускор билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида тендер ўтказмаган ҳолда битим тузади.

Агар бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилса, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерикни аниқлаш тендер асосида амалга оширилади.

Хусусий ташаббускорга давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни давлат-хусусий шериклик лойиҳаси умумий қийматининг бир фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тендернинг ғолиби ёки захирадаги ғолиби ҳисобидан қопланиши мумкин.

18-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланганидан ва у Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритилганидан кейин давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади.

19-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ва ахборотни ўз ичига олган ягона ахборот тизимидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштирилладиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсидир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестри ваколатли давлат органи томонидан юритилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги ахборот

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг концепцияси, хусусий шерикларни танлаб олиш шартлари ва мезонлари ҳақидаги ахборот, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг асосий қоидалари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши керак.

5-боб. Хусусий шерикни танлаш

21-модда. Давлат хусусий-шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳукуқи учун тендер

Давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқланадиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Тендерлар бир босқичли ёки икки босқичли бўлиши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарорлар ва шартлар асосида батафсил техникавий таклиф ва тижорат (молиявий) таклифи, баҳо-

си (тарифи) албатта кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқилган буюртмалари (таклифлари) кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан расмий буюртмалар ва тендер буюртмаларини (таклифларини) олиш;

тендер ҳужжатлари тўпламини тақдим этиш;

талабгорларнинг тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш;

тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш;

тендернинг қолибини ва захирадаги қолибини аниқлаш;

тендер қолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер қолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади.

Икки босқичли тендер дастлабки малакани аниқлаш ва тендер қолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендер қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда буюртмалар кўриб чиқилади ҳамда тендер ҳужжатлари шартларида кўрсатилган концептуал ва техник ечимлар асосида ишлаб чиқилган тендер таклифлари баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади;

иккинчи босқичда тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда киритилган техникавий таклифларни ва тижорат (молиявий) таклифлари кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун расмий буюртмалар олиш;

тендерда иштирок этиш учун манфаатдор шахслар доирасини белгилаш;

давлат шериги томонидан тендерда иштирок этиш учун талабгорларга дастлабки малака ҳужжатларини юбориш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш ва баҳолаш;

дастлабки малакаладан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш;

тендерда иштирок этиш учун давлат шериги томонидан тендер ҳужжатларини ва тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишга доир сўров юбориш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан техникавий таклифларни ва тижорат (молиявий) таклифларини тақдим этиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорларнинг тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш;

тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш;

тендернинг фолибини ва захирадаги фолибини аниқлаш;

тендер фолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер фолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Дастлабки малакаладан иштирок этиш учун буюртмалар йиғиш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки малакаладан ўтказиш учун камида иккита талабгорнинг иштирок этиши зарур.

Фолибни танлаб олиш босқичида давлат шериги дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этиш ҳақида сўровни ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини юборди.

Тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш учун сўнгги муддат тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер буюртмасини (таклифини) тақдим этишга ҳақли эмас. Талабгор тендер комиссиясига тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этиш муддати тугагунига қадар исталган вақтда тендер буюртмасини (таклифини) ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат ичида ўтказилади. Буюртмаларни (таклифларни) баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир тендер мезони бўйича амалга оширилади.

Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер буюртмаларини (таклифларини) баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси талабгорларни тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун чақариш ҳуқуқига эга. Тендер якунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари иштирок этиши мумкин.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер буюртмаларини (так-

лифларини) тендер таклифларининг сўрови талабларига номувофик деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тендер комиссияси тендер волиби тўғрисидаги ахборотни давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

22-модда. Тендер ҳужжатлари

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатларини тайёрлайди, ваколатли давлат органи билан келишади, тасдиқлайди.

Тендер ҳужжатларида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

талабгорларнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга доир талаблар;

давлат-хусусий шериклик объектнинг жойлашган ери;

давлат-хусусий шериклик объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари;

давлат-хусусий шериклик объектни лойиҳалаштириш, қуриш, молиялаштириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш муддатлари;

давлат-хусусий шериклик объекти ёки хусусий шерик томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатининг кўрсаткичлари ёки унга доир энг кам талаблар;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш мақсадида давлат шериги томонидан хусусий шерикка бериладиган молиялаштириш ҳажми, мол-мулкнинг ёки мулкӣ ҳуқуқларнинг рўйхати;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ўз зиммасига олаётган хавф-хатарлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг параметрлари акс эттирилиши керак бўлган валюта ва уларни таққослаш ва баҳолаш мақсадида ягона валютага келтириш учун ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган валютанинг курси;

тендер мезонларининг тавсифи;

тендер буюртмаси (таклифи) бериладиган тилга доир талаблар;

тендер буюртмасининг (таклифининг) мазмуни, тендер буюртмаларини (таклифларини) бериш ва уларнинг амал қилиш усули, жойи, муддатлари;

тендер буюртмасига (таклифига) доир таъминот киритиш шартлари;

тендер буюртмалари (таклифлари) солинган конвертларни очиш тартиб-таомиллари, жойи, санаси ва вақти.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси тендер ҳужжатларининг ажралмас қисмидир.

Давлат шериги ваколатли давлат органи билан келишувга кўра тендер

хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир. Давлат шериги тендер хужжатларига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш календарь кундан кечиктирмай барча талабгорларни тендер хужжатларига киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар ҳақида хабардор қилиши шарт. Бунда талабгорлар тендер буюртмаларида (таклифларида) ушбу ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчаларни ҳисобга олиши учун тендер буюртмаларини (таклифларини) тақдим этишнинг сўнгги муддати давлат шериги томонидан ўттиз календарь кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилади.

23-модда. Тендер мезонлари

Тендер мезонлари аниқ бўлиши ва унда камситувчи қоидалар бўлмаслиги керак.

Талабгор давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдор эканлигини билдириш учун тендерда иштирок этганда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга доир мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ва (ёки) моддий, техник ресурсларга ва (ёки) малакали меҳнат ресурсларига эга бўлиши;

мавжудлиги манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган асосларга эга бўлмаслиги.

Қайта ташкил этилиш, тугатилиш ва (ёки) банкротлик босқичида бўлган талабгорларнинг тендерда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Тендер қолибини танлаб олиш босқичида фойдаланиладиган мезонларда қуйидагилар назарда тутилади:

давлат шериги ва хусусий шерик томонидан амалга ошириладиган тўловларнинг ҳажми;

энг юқори нархлар ва тарифлар;

хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш учун жалб этиладиган маблағлари ҳажми;

хусусий шерикни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми ва турлари;

давлат-хусусий шериклик объектини лойиҳалаштириш ва (ёки) қуриш, барпо этиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш муддати;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг техник ва технологик афзалликлари, функционал ва инновацион тавсифлари.

24-модда. Тендер комиссияси

Давлат шериги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер қолибини аниқлаш учун тендер комиссиясини шакллантиради.

Тендер комиссияси таркибига давлат шеригининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ва ваколатли давлат органининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

Давлат шеригининг вакили тендер комиссияси раисидир. Ваколатли давлат органининг вакили тендер комиссияси таркибига маслаҳат овози билан иштирок этади.

Тендер комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак.

Тендер комиссияси, агар мажлисда унинг аъзолари умумий сонининг камида етмиш беш фоизи ҳозир бўлса, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга, бунда тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Тендер комиссиясининг қарорлари тендер комиссиясининг овоз берган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тендер комиссияси ўз мажлисларининг баённомаларини юритади, баённомалар унинг мажлисларда ҳозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади.

Тендер комиссияси аъзосида мажлисга чиқарилган масалалар юзасидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у ўз номзодини қайтариб олишини билдириши ва ушбу масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

25-модда. Тўғридан-тўғри музокаралар

Тарафлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни давлат шеригининг қарорига мувофиқ қуйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан тузиши мумкин:

давлатнинг мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлашда;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг зарурий шарти ҳисобланган интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ ҳуқуқлар, бошқа мутлақ ҳуқуқлар, ер участкаси, бошқа кўчмас мол-мулк объекти ва ўзга мол-мулк муайян шахсга тегишли бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари билан белгиланган ҳолларда.

6-боб. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим

26-модда. Тендер ёлиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

Давлат шериги тендер ҳужжатларида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ тендер ёлиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Агар тендер ёлиби тендер ҳужжатларида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзоласанга ёки тендер комиссияси томонидан тендер ёлиби тақдим этган ахборотнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссия-

си уни дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва тендернинг захирадаги ғолибини ғолиб деб топади ҳамда унга тендер ғолибини дисквалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичида ғолиб шартлари асосида давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузишни таклиф этади. Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги ғолибига давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь кун ичида ундан ижобий жавоб олинмаган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер эълон қилади.

27-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг асосий шартлари

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва шартларда давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ҳужжатдир.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ҳақидаги;
давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг предмети ҳақидаги;
тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги;

давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида хавф-хатарларнинг тақсимланиши ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ бошқа ўтказилган ёки лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, ундан фойдаланилиши ва унга хизмат кўрсатилиши лозим бўлган давлат-хусусий шериклик объектларининг тавсифи, улардан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари тўғрисидаги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддатлари ва тартиби ҳақидаги;

тарафларнинг тегишли инфратузилмага нисбатан ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича ҳуқуқларини тақсимлаш тўғрисидаги, шунингдек уларни бошқа шахсга ўтказиш тартиби ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун талаб этиладиган ер участкаларини бериш тартиби ва тартиб-таомили тўғрисидаги, ер участкаларига тааллуқли бошқа шартлар ҳақидаги;

хусусий шерик томонидан бериладиган товарларга, бажариладиган ишларга, кўрсатиладиган хизматларга доир нархларни, тарифларни белгилаш ва уларни ўзгартириш шартлари тўғрисидаги;

тарафларнинг ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш усуллари, миқдорлари ва муддатлари ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг муддати, бу муддатни белгилаш тартиби ҳақидаги;

ҳақ тўлаш, эркин фойдаланилиш учун тўлов, фойдаланганлик учун тўлов, хусусий шерикнинг давлат шеригига тўловининг ва (ёки) бошқа

тўловларнинг шакллари, миқдорлари, муддатлари, шартлари, уларни тўлаш тартиби, шу жумладан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан даромадларнинг тақсимланиши ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тугатиш асослари, тартиби ва шартлари, муддатидан олдин тугатилганлик учун тўлов миқдори ва тартиби ҳақидаги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги;

суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар ҳақидаги;

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги;

тарафларнинг давлат-хусусий шериклик ҳақидаги битимга доир мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги;

низоларни ҳал этиш тартиби ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга олиш ва меҳнатдан фойдаланишга нисбатан қўлланиладиган шартлар тўғрисидаги;

ишонтиришлар ва кафолатлар ҳақидаги;

хусусий шерикнинг улушларига эгалик қилишга нисбатан талаблар ва хусусий шерикнинг ҳамда унинг аффилиланган шахсларининг мол-мулкига нисбатан бошқа мулкӣ ҳуқуқлар тўғрисидаги;

махфийлик ҳақидаги;

атамалар ва уларга доир тушунтиришлар тўғрисидаги.

28-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирқ тўққиз йилдан ошмаслиги керак.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафлари битимнинг амал қилиш муддатини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган ҳолларда ва шартлар асосида, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида узайтириш ёки қисқартириш ҳақида келишиб олиши мумкин.

29-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, тўлдириш ёки бекор қилиш асослари

Агар қонун ҳужжатларида ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суднинг қарорига биноан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талабига биноан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим фақат қуйидаги ҳолларда суднинг қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

бошқа тараф давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни жиддий равишда бузган тақдирда;

қонун ҳужжатларида ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тарафлардан бирининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бузиши бошқа тараф учун у давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш чоғида мўлжаллашга ҳақли бўлган нарсдан сезиларли даражада маҳрум бўладиган тарзда зарар етказилишига сабаб бўладиган бузилиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг жиддий бузилиши деб эътироф этилади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бажариш тўлиқ ёки қисман бир томонлама тарзда рад этилган тақдирда, бундай рад этишга қонунда ёки битимда йўл қўйилса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бекор қилинган деб ҳисобланади.

30-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун жалб қилинган мол-мулк

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим давлат шеригининг давлат-хусусий шериклик объектини ташкил этувчи мол-мулкни ва (ёки) давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкни хусусий шерикка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш учун ўтказиш мажбуриятини назарда тутиши мумкин. Бундай ўтказиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилади. Бундай ўтказиш учун қўшимча шартномаларни ёки битимларни имзолаш талаб этилмайди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг мулк ҳуқуқига эга бўлган тарафлари бундай ҳуқуқларни, шу жумладан ер участкаларининг, бошқа кўчмас, шунингдек кўчар мол-мулкнинг ва номоддий активларнинг ижарасига бўлган ҳуқуқни, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган доирада, бошқа мулкый ҳуқуқлар билан бир қаторда бир-бирига бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

31-модда. Ер участкаларини бериш

Давлат-хусусий шериклик объекти жойлашган ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланадиган муддатга берилади.

Ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун шартнома асосида танлов ўтказмасдан берилади.

Давлат шериги томонидан хусусий шерикка ер участкасини ёки унга бўлган ҳуқуқларни беришга доир мажбуриятнинг бажарилмаганлиги хусусий шерик томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бир томонлама бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тугатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун берилган ер участкасига нисбатан шартномавий муносабатларни тугатиш учун асос бўлади.

32-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларининг мулкӣ жавобгарлиги

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонунга мувофиқ мулкӣ жавобгар бўлади.

Тарафлардан бири давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бошқа тараф етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлади.

33-модда. Давлат-хусусий шериклик объектига бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш тартиби

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида лойиҳалаштирилган, барпо этилган, молиялаштирилган, реконструкция қилинган, фойдаланилаётган ва хизмат кўрсатилаётган давлат-хусусий шериклик объектига бўлган мулк ҳуқуқларини давлат шеригига ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш органига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ хусусий шерикка ўтказиш тартибини белгилайди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда давлат-хусусий шериклик объектига бўлган мулк ҳуқуқларини ўтказиш пайти, хусусан:

давлат-хусусий шериклик объекти фойдаланишга топширилган пайт;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати тугалланган пайт;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган бошқа вақт кўрсатилиши керак.

7-боб. Хусусий шерик ва кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш**34-модда. Хусусий шерик ҳуқуқларининг кафолатлари**

Агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштиради, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида хусусий шерикка нисбатан битимни тузиш санада амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади.

Хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси янги қонун ҳужжатларининг давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини яхшилайдиган қоидаларини ўз хоҳишига кўра қўллаш ҳуқуқига эгадир.

35-модда. Кредиторнинг манфаатларини ҳимоя қилиш

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кредитор ҳуқуқларининг кафолатларини таъминловчи қоидалар, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда креди-

торларга тўланадиган компенсациянинг миқдорлари назарда тутилиши мумкин.

Хусусий шерик ўз кредиторларига таъминотнинг ҳар қандай турини ёки шаклини тақдим этиши, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва ушбу битимни бажариш учун тузилган битимлар бўйича ўз ҳуқуқларини, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси таркибига кирувчи ҳуқуқларни, активларни, акциялар гаровини, ҳуқуқларнинг гаровини ёки бу ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечишини, мазкур битим бўйича ўзига тегишли бўлган фойдани ва суммаларни бериши мумкин.

Кредитор ва давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан хусусий шерикни ёки унинг раҳбариятини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган шартларга мувофиқ четлаштиришга ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган шартларга мувофиқ уни янги хусусий шерикка алмаштиришга ёки унинг раҳбариятини алмаштиришга ҳақли.

Янги хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ ишларни якунлаш ва (ёки) хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган талабларга жавоб бериши керак. Хусусий шерик янги хусусий шерикка алмаштирилган тақдирда тендер ўтказилмайди.

8-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши соҳасида мониторинг ва ҳисобдорлик

36-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан мониторинг

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда битим тарафларининг давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ахборотни алмашишга тааллуқли мажбуриятлари назарда тутилади.

Ваколатли давлат органи давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бажарилишининг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларига риоя этилиши нуқтаи назаридан мониторингини амалга оширади. Хусусий шерик мониторингни амалга ошириш мақсадлари учун давлат-хусусий шериклик объектларига кирилишини ва тегишли ҳужжатлардан фойдаланилишини таъминлаши шарт.

37-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳисобдорлик

Давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни ваколатли давлат органига давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг тарафлари томонидан имзоланган ҳолда ҳар олти ойда тақдим этади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш тартиби ва унинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**9-боб. Давлат-хусусий шерикликни молиявий
жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари**

**38-модда. Давлат-хусусий шерикликни молиявий жиҳатдан
қўллаб-қувватлаш турлари**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикларга қуйидаги молиявий қўллаб-қувватлаш турлари тақдим этилиши мумкин: субсидиялар, шу жумладан хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджетлари тизимининг бюджет маблағлари;

бюджет ссудаларини, қарзларини, грантларини, кредит линияларини ва молиялаштиришнинг бошқа турларини бериш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари;

солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар;

бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар.

**39-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича
тўловлар**

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда фойдаланганлик учун тўловлар, эркин фойдаланилиш учун тўловлар ва бошқа тўловлар назарда тутилиши мумкин.

Эркин фойдаланилиш учун тўловларга ажратиладиган бюджет маблағлари, бошқа тўловлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг бутун амал қилиши давомида тегишли бюджетнинг харажатлар қисмида ҳар йили назарда тутилади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шеригига тўловларни қуйидагича амалга ошириши мумкин:

даврий асосда тўланадиган, қатъий сумма тарзида;

бир йўла тўлов тарзида;

хусусий шерикнинг фаолиятдан келадиган ўзига тегишли бўлган ҳар қандай даромаднинг муайян қисми тарзида.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда тўловларнинг ҳар хил турлари биргаликда назарда тутилиши мумкин.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

40-модда. Низоларни ҳал этиш

Давлат-хусусий шериклик соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

41-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

42-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ваколатли давлат органи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

43-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

44-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 май,
ЎРҚ-537-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

362 Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республиканинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларида умумий амалиёт врачлари ҳамда тор мутахассисларнинг етишмаслиги, тиббиёт таълим муассасаларидаги зарур бўлган амалий тайёргарликнинг етарли бўлмаётганлиги, шунингдек, узлуксиз касб-ҳунар таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл ва услубларининг суст жорий этилиши тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, ўрта муддатли даврда уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қабул қилинишини талаб этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси вазибаларига мувофиқ, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада такомиллаштириш, унинг амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилинишини таъминлаш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари учун умумий амалиёт врачлари ичидан эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни тайёрлашни ташкил этиш;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълими жараёнларига ўқитишнинг кредит-модул тизимини жорий этиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 майда эълон қилинган.

тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг марказлаштирилишига барҳам бериш, уларнинг узлуксиз касбий таълим билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобга олишни таъминлаш;

тиббиёт ва фармацевтика илм-фанини, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги инновацияларни жаҳон даражасигача ривожлантириш, уларни глобал илмий майдонига интеграция қилинишини таъминлаш;

кадрларни тайёрлаш, таълим, илм-фан ва амалиётни интеграция қилишнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тиббиёт ва фармацевтика муассасаларининг клиникалари, ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш базаларини ривожлантириш.

2. Қуйидагилар:

Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ;

2025 йилга қадар тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фанини ривожлантириш сифатини баҳолаш индикаторлари 2-иловага* мувофиқ;

Тиббиёт ва фармацевтика олий таълим йўналишлари, ўқитиш муддатлари ва битирувчиларга бериладиган малакалар рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

Ўрта махсус тиббиёт таълим йўналишлари, ўқитиш муддатлари ва битирувчиларга бериладиган малакалар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим муассасалари ташкилий тузилмаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

белгиланган тартибда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини амалиёт ва илғор халқаро тажрибага интеграциялашувини таъминлашни инobatга олган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим тизимининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тасдиқлаш;

тиббиёт ва фармацевтика таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мустақил равишда таклифлар кириштиш;

фақатгина ўқув ва амалиёт характериға эға чора-тадбирлар бўйича иш вақтини ҳисобға олишға таянган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика таълимининг (шу жумладан кредит-модулли ўқитиш тизими шарoитида) ўзига хос-

* 1 — 5-илoвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лигини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат меъёрларини белгилаш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш;

узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари устидан ягона ташкилий ва ўқув-услубий раҳбарликни таъминлаш;

ўқитишнинг умумий харажатларидан келиб чиққан ҳолда клиник ординатура (резидентура)да тўлов-контракт асосида ўқитиш нархи микдорини белгилаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари учун бир йилдан кам бўлмаган муддатда бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида тайёрлашни ташкил этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат тиббиёт муассасалари ва ҳудудий соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан тегишли соҳаларда кадрлар танқислигини инобатга олган ҳолда шакллантириладиган талабномаларга асосан умумий амалиёт шифокорлари қабул қилинади;

шифокорларни бирламчи мақсадли ихтисослаштириш Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида уларни таъминлаб туриш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади;

бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курслари якунида шифокорларга олинган ихтисослик бўйича фақатгина соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи белгиланган намунадаги сертификат тақдим этилади;

бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларини тамомлаган шифокорлар, уларни ўқишга йўллаган муассасада эгалланган тор мутахассислик бўйича камида уч йил ишлаб беришлари шарт;

талаб этиладиган мутахассисликлар бўйича шифокорларни бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида ўқитишнинг тартиби, дастурлари ва муддатлари, шахсларни бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларига саралаб олиш квоталари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб берилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика кадрлари учун муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурлари, семинар, конференция, вебинар, маҳорат дарслари, симуляцион тренинглари ва бошқа ўқитиш курслари негизида ҳар йили малака оширишни назарда тутувчи кредит-модулли ўқитиш тизимида асосланган, узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этсин;

б) тиббиёт ва фармацевтика кадрларини узлуксиз касбий таълим олиши тизими асосида ўқитиш ҳуқуқи белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган қўйидаги муассасаларга тақдим этилсин:

тиббиёт ва фармацевтика, шу жумладан нодавлат олий таълим муассасалари;

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ҳамда илмий марказлари, уларнинг филиаллари, илмий-текшириш институтлари;

худудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари.

Белгилансинки, узлуксиз касбий таълим тизими асосида ўқитиш натижалари бўйича шифокорлар ва провизорларни яқка тартибда лицензиялашда ҳисобга олинган, тўпланган кредитларни инобатга олувчи белгиланган намунадаги сертификат берилади;

в) 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида таълим олаётган ҳар бир тиббиёт ва фармацевтика ходимини мониторинг қилиш ва ўқитиш ҳажмини шахсий ҳисобга олиш имкониятини таъминловчи «Узлуксиз касбий таълим» махсус порталини яратсин.

6. Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажми 6-иловага* мувофиқ белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрларни узлуксиз тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, таълим ва илм-фан жараёнларини тиббиёт амалиёти билан интеграция қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унда қўйидагилар назарда тутилсин:

Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи, иккинчи ва учинчи клиникалари негизида замонавий тиббиёт таълим кластерини яратиш орқали Тошкент тиббиёт академиясининг Кўп тармоқли клиникасини ташкил этиш;

тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари таркибий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган даволаш (амалиёт) ишлари проректори (директор ўринбосари) лавозими ва иккита штат бирликларидан иборат клиник (ўқув) базалари билан ишлаш бўлимини ташкил этиш;

тиббиёт олий таълим муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланувчи анатомик морглар, ўқув-биологик лаборатория (виварий)лар ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқув-симуляцион марказларни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тиббиёт ташкилотларини қайта ташкил этиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга оширсин.

9. Белгилансинки:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиникалари:

тиббиёт олий таълим муассасаларининг таркибий бўлинмалари ва клиник фанларни ўқитиш учун асосий база ҳисобланади, шунингдек, кафедра

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ходимлари билан биргаликда ўқув жараёнини ташкил этиш, аҳолига ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш, тиббиёт соҳасида илмий-текширув изла-нишларини олиб боришда фаол иштирок этади;

клиника шифокор ходимлари таркибини шакллантиришда тиббиёт олий таълим муассасаси кафедралари профессор-ўқитувчиларининг сони 50 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлайди;

тиббиёт олий таълим муассасаси кафедралари ходимларини дарс жадвали ва ўқув режага мувофиқ етарли ўқув хоналари, шунингдек, педагогик ҳамда илмий-текшириш фаолияти учун шароитлар билан таъминлайди;

б) тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларининг бош шифокорлари:

яширин овоз бериш йўли орқали олий таълим муассасаси Кенгашининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

кафедра ходимларининг тўлақонли таълим, даволаш-диагностика ва илмий фаолиятини ташкил этишни таъминлаш юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

10. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланадиган рўйхатга кўра, республиканинг олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларидаги бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари давлат муассасаларида уч йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб берган шифокорларга клиник ординатурага (резидентурага) киришда танлов синовлари натижалари бўйича йиғилган баллар суммасидан 30 фоиз миқдорида қўшимча баллар тақдим этилиши;

тиббиёт олий таълим муассасалари, малака ошириш институтлари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва уларнинг филиаллари харажатларининг бюджет сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида, шунингдек, тўлов-контракт асосида клиник ординаторлар (резидентлар)ни ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан клиник ординатор (резидент) раҳбарига бир йилда 100 соат ҳисобидан бир нафар клиник ординатор (резидент)га раҳбарлик учун соатбай тўловлар тўланиши белгилансин.

Тиббиёт олий таълим муассасалари раҳбарларига дарс бериш фаолиятида иштирок этиши учун даволаш-профилактика муассасаларидан жалб қилинадиган малакали мутахассисларга тўлов-контракт асосида ўқишга кираётганлар маблағлари ҳисобидан лавозим маошига 100 фоизгача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгилаш ҳуқуқи берилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

кредит-модулли ўқитиш тизимини жорий этиш орқали олий тиббиёт ва фармацевтика таълими давлат таълим стандартлари, тиббиёт ва фармацевтика кадрларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш давлат талабларини ишлаб чиқиш;

таълим жараёнида клиникагача ва клиник модуллар, шу жумладан клиник ўқув амалиёти бўйича ўқув соатларини ошириш ҳисобига амалий таркибий қисмини кучайтириш;

кредит-модул тизимини жорий этиш орқали магистратура ва клиник ординатура (резидентура)да эгалланаётган амалий кўникмаларнинг мураккаблигига боғлиқ ҳолда таълим муддатларини оптималлаштириш орқали ўқитиш жараёнини такомиллаштириш;

илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, ўқитиш даври учун кредитлар меъёрларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, 100 баллик рейтинг тизимини қўллаган ҳолда ўқувчи ва талабаларнинг ҳар бир модул бўйича билим ва кўникмалари ўзлаштирилишини назорат қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

халқаро молия институтлари маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайриялари, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика таълим муассаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2020 йилдан бошлаб ҳар йили тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари талабалари ва тиббиёт коллежларининг ўқувчилари орасида клиник фанлар бўйича Ибн Сино номидаги халқаро тиббиёт олимпиадалари, шунингдек, ёш олимлар орасида Ибн Сино номидаги халқаро илмий танловлар ўтказилишини таъминласин;

ҳар йили 1 сентябрга қадар давлат тиббиёт муассасалари ва ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқариш ташкилотларининг талабномалари асосида республика ҳудудлари кесимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими муассасалари ва бўлинмалари учун узлуксиз касбий таълим курсларида ўқитиш режаларини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасалари, республика илмий-амалий марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-текшириш институтлари учун имтиёзли юқори тезликдаги интернет-тарифларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2956-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбоши ва 3-банди, шунингдек, иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари, фармацевтика таълим муассасаларининг ўқув ва ўқув-амалиёт базалари намунавий низомини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 май,
ПҚ-4310-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

363 Самарқанд шаҳрида «Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш тўғрисида*

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек 2018–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда — Университет) Самарқанд шаҳрида «Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Филиал фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ жис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 майда эълон қилинган.

моний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида талабаларнинг чуқурлаштирилган мустақил тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда назарий ва амалий машғулотларни уйғунлаштириш;

олий таълим тизимига замонавий таълим технологияларига асосланган ўқув жараёнларини жорий қилиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳамда очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг ўзаро боғлиқлиги, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси кадрларининг профессионал тайёргарлигини ошириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган таълимнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда таълим Россия Федерацияси федерал таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида рус тилида амалга оширилади;

абитуриентлар қабули ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади.

4. Университет:

таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, илм-фан ҳамда олий таълимнинг энг янги ютуқлари жорий қилиниши;

Филиал мутахассислари ва профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш, замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан бойитишда кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Белгилансинки:

а) Филиал Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Университет билан келишган ҳолда манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларнинг тегишли кадрларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2019/2020 ўқув йили ва кейинги йиллар учун талабаларни қабул қилиш квоталари ҳамда тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати миқдорларини белгилайди;

б) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

талабаларни давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; халқаро (хорижий) молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари; конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) ўқитувчилар малакасини ошириш, шунингдек Филиални зарур мебель, инвентарь, компьютер, ташкилий техника ва спорт инвентарлари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) Филиалда фаолият юритиш учун Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарлари харажатларига олий таълим муассасалари ходимлари учун Россия Федерацияси қонунчилигида белгиланган нормалар бўйича;

узоқ муддатли хизмат сафарлари харажатларига тузилган шартномалар асосида ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади.

6. Қўйидагилар:

Самарқанд шаҳар, Уста Умар Жўрақулов кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган Самарқанд ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи бино, иншоотлари ва унга туташ ҳудуд Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалига;

Самарқанд шаҳар, Ибн Сино кўчаси, 17а-уй манзилида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали бино, иншоотлари ҳамда унга туташ ҳудуд Самарқанд вилояти Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига (кейинги ўринларда — Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби) оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилсин, кейин-

чалик ушбу жойда Филиал бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Самарқанд хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг ўқувчилари ўқишни тамомлагунларига қадар Филиал жойлаштирилаётган, Самарқанд ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг ўқувчилари эса Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалига берилган бино ва иншоотларда ўқишни давом эттиради;

Филиалга Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, шунингдек Самарқанд ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати ва Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари республика болалар-ўсмирлар спорт мактабининг спорт иншоотларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Университет билан биргаликда:

бир ой муддатда Филиалнинг устави ва тузилмаси ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши, шунингдек белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

уч ой муддатда Филиал танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.

8. Филиалга:

кадрларга бўлган эҳтиёж ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда таълимнинг бакалавриат босқичи асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очишга;

профессор-ўқитувчи ходимлар, шунингдек педагогик ва илмий иш олиб боришга жалб этиладиган бошқа шахслар меҳнати, яшаши ҳамда транспорт харажатларига тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

9. Белгилансинки:

Филиал таъминоти учун бюджет маблағлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижтимоий соҳа учун тасдиқланган параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мазкур соҳага харажатлар параметрларида назарда тутилади;

Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг Филиални жойлаштириш учун ажратилган бино ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмалар лимитларини қайта тақсимлаш ҳисобига амалга оширилади.

10. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» Филиалнинг бинолари ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Самар-

қанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар бўлган муддатда Филиалнинг бино ва иншоотлари капитал таъмирланиши ва реконструкция қилиниши, шунингдек зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ҳамда лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа ташкилий техника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг Филиални жойлаштириш учун ажратиладиган бино ва иншоотлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида маблағ ажратилишини таъминласин;

2020 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун 400 ўринли турар жой қурилиши бўйича лойиҳа белгиланган тартибда киритилишини назарда тутсин.

12. Филиалга иккита автотранспорт воситаси, шу жумладан битта хизмат автомобили ва битта автобусни сақлаш учун лимит ажратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида Филиалнинг бино ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун капитал қўйилмалар лимитининг етишмаётган қисмини ажратсин.

13. Филиални жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, спорт инвентари, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар 2021 йил 1 январгача бўлган муддатда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг буюртманомаларига кўра мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқарув ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Филиалнинг буюртманомаларига кўра Филиалнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва бошқарув ходимларига, шунингдек уларнинг оила аъзоларига давлат божи ундирмаган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини ҳамда уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор идоралар билан бирга-ликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 май,
ПҚ-4311-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**364 Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизими-
мини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини
тасдиқлаш тўғрисида***

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этишга қаратилган мактабгача таълимнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар нодавлат мактабгача таълим муассасалари сонини янада ошириш ва улар кўрсатадиган хизматлар турларини кенгайтириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил, болаларнинг мактабгача таълим билан қамровини таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларини жалб қилиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 майда эълон қилинган.

сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларининг нодавлат секторини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3955-сон қарорига мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ, қўйидагиларни назарда тутган ҳолда:

мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг сифатли мактабгача таълим билан қамровини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;

мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

мактабгача таълим тизимига мактабгача таълим тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг соғлом ва баланслаштирилган овқатланишини, сифатли тиббий парваришини таъминлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ;

в) 2019 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

г) 2025 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ҳар йили тасдиқланадиган алоҳида «Йўл харитаси» асосида босқич-ма-босқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йилнинг «Йўл харитаси» бажарилиши якунларини батафсил ўрганиш асосида кейинги йил учун «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

* 2 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Йўл хариталари»нинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин.

3. Мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ҳар йиллик параметрларини шакллантиришда ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида давлат мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун маблағларни назарда тутсин.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга — масъул вазирликлар ва идораларнинг Концепция ҳамда «Йўл харитаси»ни бажариш бўйича фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, «Йўл хариталари» бажарилишини мониторинг қилиш давомида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шинга — Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва тематик кўрсатувлар ташкил қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 май,
ПҚ-4312-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 8 майдаги
ПҚ-4312-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини
2030 йилгача ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, 2030 йилгача мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Концепция Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари, устувор йўналишлари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

**2-боб. Мактабгача таълим тизимининг жорий ҳолати ва уни
ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар**

Бугунги кунда Ўзбекистонда 7 104 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритади, улардан 5 604 таси (79 фоиз) — давлат, 63 таси — идоравий ва 1 437 таси (21 фоиз) — нодавлат муассасалардир.

2017-2018 йилларда 752 та мактабгача таълим муассасалари филиаллари негизида юридик шахс мақомига эга тўлақонли мактабгача таълим муассасалари ташкил қилинган.

3 — 7 ёшдаги болаларнинг умумий сонидан (2,5 млн) 932 310 нафари (37,7 фоиз), шундан шаҳарларда 500 236 нафари (20,2 фоиз) ва қишлоқ жойларда 432 074 нафари (17,4 фоиз) мактабгача таълим билан қамраб олинган.

Республика аҳолисининг умумий сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 32,7 млн кишини ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, аҳолининг узоқ муддатли ўртача ўсиш суръатлари 1,7-1,8 фоизни ташкил қилади. Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида ўлим коэффициентининг бошқа барча ёш гуруҳларига нисбатан пастлигини инобатга олганда, 3 — 7 ёшдаги болалар сонининг ўсиш суръатлари бутун аҳолининг ўсишига қараганда юқоридир.

Ўзбекистонда яшовчи 3 — 7 ёшдаги 2,5 миллиондан ортиқ болалар-

нинг 67,8 фоизи Самарқанд (12,1 фоиз), Фарғона (10,8 фоиз), Қашқадарё (10,5 фоиз), Андижон (9,3 фоиз), Сурхондарё (8,5 фоиз), Наманган (8,4 фоиз) ва Тошкент (8,2 фоиз) вилоятларида истиқомат қилади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, ҳар йили Ўзбекистон Республикасида 700 мингдан ортиқ бола туғилади, бу эса мактабгача таълим муассасаларига тушадиган юкни оширади.

Чунончи, мактабгача таълим муассасаларига тушадиган умумий ортиқча юк республика бўйича 12 фоизни ташкил қилса, унинг энг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (21 фоиз), Жиззах (35 фоиз) ва Бухоро (21 фоиз) вилоятларида, энг паст даражаси эса Сурхондарё (9 фоиз) ва Фарғона (9 фоиз) вилоятларида, шунингдек Тошкент шаҳрида (6 фоиз) кузатилмоқда.

Умуман, мамлакат бўйича 3 — 7 ёшдаги ҳар 100 нафар болага мактабгача таълим муассасаларида 28,1 та жой тўғри келади.

Сўнгги 20 йил ичида мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдга қисқарган. Бундай қисқариш кўпроқ Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари каби туғилиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда кузатилди. Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча мактабгача таълим муассасаларининг 55 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳрига (14,8 фоиз), Фарғона (12,6 фоиз), Тошкент (9,8 фоиз), Наманган (9 фоиз) ва Самарқанд (8,9 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини муваффақиятли юритишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, улар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

мактабгача ёшдаги болаларнинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун мактабгача таълим муассасалари сонининг етарли эмаслиги;

қишлоқ жойларда мактабгача таълимнинг паст даражада ривожланганлиги;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолати лозим даражада эмаслиги;

мактабгача таълим муассасаларининг малакали педагог кадрлар билан жамланмаганлиги;

мактабгача таълим тизимида бошқарув кадрларининг танқислиги ва улар малакасининг пастлиги;

ота-оналарнинг бола шахсининг шаклланишида мактабгача таълимнинг ижобий жиҳатлари ва фойдаси ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги; замонавий ўқув-методик материаллар ва кўргазмали қуроолларнинг етишмаслиги;

алоҳида эҳтиёжли болалар учун мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг техник жиҳозланиши ва услубий таъминоти даражасининг пастлиги;

мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва тиббиёт ходимларининг малакаси замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги.

3-боб. Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари

Ушбу Концепциянинг мақсади бола ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини ривожлантиришни таъминловчи муҳим манба бўлган сифатли мактабгача таълимдан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардир:

мактабгача таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиши имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш;

мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

мактабгача таълим тизимига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом ва баланслаштирилган озиқ-овқат, сифатли тиббий парвариш билан таъминлаш.

1-§. Мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш

Мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий базада ўз аксини топади.

Мактабгача таълим соҳаси кўплаб қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига қарамай, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Шу муносабат билан, Концепцияни амалга ошириш доирасида мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1) илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган амалдаги давлат талабларини қайта кўриб чиқиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи Мактабгача таълимнинг давлат стандартини ишлаб чиқиш:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган билимлар, кўникмалар ва маҳоратларга қўйиладиган талабларни;

болаларни парваришlash, уларга қараш, соғлиғини сақлаш ва яхшилаш бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини;

2) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини моддий ресурслар, озик-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш нормативларини тасдиқлаш;

3) мактабгача таълимнинг муқобил шакллари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) мактабгача таълим муассасаларининг намунавий уставларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

5) касалликларнинг профилактикаси ва диагностикаси тартибини такомиллаштириш, шунингдек, идоралараро ўзаро ҳамкорлик механизмлари орқали болаларни психологик-тиббий-педагогик қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

6) мактабгача таълимни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган халқаро меъёрлар ва стандартларни имплементация қилиш;

7) мактабгача таълим муассасаларида инновацион педагогик фаолиятни ва уни молиявий қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

2-§. Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш

Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитларни яратиш мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг мавжуд тартибини қайта кўриб чиқишни ҳамда мактабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этишни талаб қилади.

Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш болаларнинг ривожланганлиги даражасини ва уларнинг умумий бошланғич таълимга тайёрлигини, шунингдек, уларнинг ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, жисмоний ва ижодий ривожланишини баҳолаш асосида амалга оширилиши лозим.

Бунда болаларда Ватанга муҳаббат ҳиссини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат, атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидагилар назарда тутилади:

1) мактабгача таълим муассасалари фаолиятини, шунингдек, боланинг ривожланиши ва унинг умумий бошланғич таълимга тайёрлигини комплекс баҳолашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

2) мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материаллар ва бадий адабиётларни танлаб олишни ва экспертизасини ишлаб чиқилган тартибга мувофиқ ўтказиш;

3) мактабгача таълимнинг муқобил шакллари учун янги ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

4) «Илк қадам» давлат ўқув дастурини кенг жорий этиш;

5) тарбияланувчиларнинг яқка тартибдаги иш дафтарлари, карточкалар, тарқатма ва саноқ материаллари мазмуни ва дизайнини ўрнатилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

6) ривожланишида жисмоний ёки руҳий бузилишлари бўлган болалар таълимнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш, инклюзив таълим, энг янги реабилитация ва абилитация усулларини кенг жорий этиш, уларнинг изчил ижтимоийлашуви ва умумий мактабгача таълим умумий тизими интеграциялашувига кўмаклашадиган мослаштирилган дастурлар ва яқка тартибдаги таълим йўналишларини ишлаб чиқиш;

7) мактабгача таълимда фанларни ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш, мактабгача ва умумий бошланғич таълим изчиллигининг мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш;

8) машғулотлар давомийлигининг энг мақбул вақтини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш мақсадида ўқув режалари ва таълим дастурларини оптималлаштириш;

9) болаларни соғлом турмуш тарзини юритишга ўргатиш, гимнастика ва фаол ўйинлар бўйича машғулотлар ўтказиш орқали тарбияланувчиларда жисмоний тарбия машғулотлари ва спортга қизиқиш уйғотишни шакллантириш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш;

10) мактабгача ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик ва муסיқий тарбия ҳамда таълим даражасини ошириш, эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиш асосларини жорий этиш;

11) боланинг келгусида ўзини ўзи муваффақиятчи намоён қилиши учун асос сифатида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантириш;

12) мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган болалар учун таълим хизматлари турлари: пуллик таълим хизматлари, қисқа муддатли гуруҳлар ва бошқаларни кенгайтириш.

3-§. Болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиши имкониятларини таъминлаш, соҳада давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш

Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш бўйича вазифаларни ҳал этиш биринчи навбатда мактабгача таълим муассасалари қувватларини оширишни тақозо этади.

Мактабгача таълим тизимини молиялаштиришнинг ҳозирги ҳажми, туғилишнинг ўсиши динамикаси сақланиб қолаётган бир пайтда, мактабгача ёшдаги болаларнинг қамровини мавжуд даражада сақлаб туришни таъминлаб беради, аммо унинг ўсишига ёрдам бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларининг чекланган-

лигини эътиборга олиб, нодавлат сектор мактабгача таълим муассасалари сони ўсишининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиши, давлат-хусусий шерикчилиги эса хусусий тадбиркорлик субъектларини мактабгача таълим тизимига жалб этишнинг асосий механизмига айланиши лозим.

Мактабгача таълимнинг ҳаммабоплигини, шу жумладан республиканинг олис туманларида ҳамда мактабгача таълимнинг стандарт шаклларини кенгайтириш қийин бўлган жойларда таъминлаш янги муқобил шаклларни жорий этиш ҳисобига ҳам амалга оширилиши лозим.

Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилишини назарда тутди:

1) Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ва бошқа манбалардан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан янги давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш;

2) мактабгача таълим соҳасида қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусий секторни мактабгача таълим муассасаларининг қувватларини оширишга янада рағбатлантириш ва манфаатдорлигини ошириш;

3) мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини, жумладан унинг қуйидаги шаклларини янада ривожлантириш:

мавжуд давлат мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий шерикка нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш учун ер участкаларини ёки мавжуд давлат таълим муассасалари биноларини бепул асосда бериш;

кўп квартирали турар жой бинолари қурувчилари учун давлат буюртмасини жойлаштириш;

давлат мактабгача таълим муассасаларини хусусий шерикка ишончли бошқарувга бериш;

концессия асосида қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун ер участкаси ёки бино ажратиш;

ҳомийлик ва бошқалар;

4) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилишда услубий қўллаб-қувватлаш;

5) бўш турган давлат мулки объектлари ва собиқ мактабгача таълим муассасаларининг ишламаётган бинолари негизида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш мақсадида уларни хатловдан ўтказиш;

6) ҳамма жойда болаларни умумий бошланғич таълимга бепул мажбурий бир йиллик тайёрлашнинг ягона тизимини жорий этиш;

7) мактабгача таълимнинг мослашувчан иш жадвали ҳамда ривожлантирувчи, тузатувчи хизматлар ва тадбирларнинг кенг қўламини ўз ичига олган қуйидаги муқобил шаклларини жорий этиш ва ривожлантириш:

ҳар хил ёшдаги болалар учун қисқа муддатли мактабгача таълим гуруҳлари — «Плей-гуруҳлар»;

мактабгача ёшдаги болаларга уйига бориб мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш дастури — «Home visits»;

мактабгача таълим муассасалари корпоратив гуруҳлари ва бошқалар;

8) енгил қурилиш конструкциялари ва замонавий энергия самарадор материаллар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, шинамлиқ ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ қуриладиган мактабгача таълим муассасаларининг янги бинолар лойиҳаларини ишлаб чиқиш (шу жумладан ривожланишида жисмоний ва рухий бузилишлари бўлган болалар учун тўсиқсиз муҳит элементларини ҳисобга олган ҳолда);

9) мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва самарали ташкил қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, қурилаётган турар жой комплекслари ва бошқа объектларни керакли ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш;

10) республиканинг барча мактабгача таълим муассасаларини ичимлик суви, иситиш тармоғи, электр энергияси ва табиий газ билан, шу жумладан замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий этиш йўли билан босқичма-босқич таъминлаш;

11) таълим хизматларини кўрсатишнинг вариативлиги ҳисобига ривожланишида жисмоний ёки рухий бузилишлари бўлган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш;

12) мактабгача таълимнинг бола шахсини шакллантиришдаги роли ва муҳимлиги ҳақида тушунтириш тадбирларини олиб бориш, ушбу фаолиятга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва ота-оналарни фаол жалб қилиш.

4-§. Мактабгача таълим тизимига илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

Мактабгача таълимни янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир.

Сўнгги вақтларда ушбу йўналишда Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимини (EMIS), шунингдек, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан таълим-тарбия жараёнига замонавий илғор ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш орқали тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мактабгача таълимнинг ҳозирги ҳолати телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантиришни, мактабгача таълим муас-

сасаларининг кенг полосали Интернет тармоғига уланишини таъминлашни, маънавий етук ёш авлодни тарбиялашнинг самарали ташкилий ва педагогик шакллари ва усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мактабгача таълим соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

1) Вазирлик ахборот хавфсизлигининг муносиб даражасини таъминлаш, ягона ахборот майдонини яратиш;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш соҳасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш мақсадида хорижий мамлакатларга ўқув сафарларини ташкил қилиш;

3) мактабгача таълим соҳасида дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базалари, мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятида қўллаш;

4) Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимини (EMIS) янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, маълумотларни киритиш ва тезкор алмашиш учун мобиль иловаларни яратиш;

5) ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр этишни ташкил қилиш, рақамли таълим ресурслари, уйдан туриб масофали таълим бериш ва ота-оналар билимини ошириш технологияларини жорий этиш;

6) мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор илмий ишланмалар ва технологияларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятига интеграция қилиш;

7) инновация лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида хўжалик юривчи субъектлар, стартап-лойиҳалар ташаббускорлари, олимлар, молиявий институтлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

8) мактабгача таълим тизими ходимларининг инновацион ахборот-коммуникация ва педагогика технологиялари соҳасидаги билимлари ва малакасини ошириш, инновацион таълим муҳитини ташкил қилиш;

9) биринчи босқичда ҳар бир туман таянч мактабгача таълим муассасасини, кейинчалик эса республиканинг ҳар бир мактабгача таълим муассасасини Интернет тармоғига чиқадиған персонал компьютерлар билан таъминлаш.

**5-§. Мактабгача таълимни бошқариш тизимини
такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари
фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва
самарадорлигини таъминлаш**

Сўнги йилларда мактабгача таълимни бошқариш тизимида институционал ислохотлар амалга оширилди:

Вазирлик ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди;

замонавий бошқарув шакллари жорий этиш мақсадида давлат мактабгача таълим муассасаларида Кузатов кенгашлари ташкил этилди;

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, унинг асосий вазифалари мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, мактабгача таълим тизими ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини ҳамда Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштиришдан иборат;

Тошкент шаҳрининг учта туманида ҳамда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида синов режимида жон бошига норматив молиялаштириш жорий этилмоқда;

давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилган.

Шу билан бирга, мактабгача таълимни бошқариш ва молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади, улар қаторида:

1) мактабгача таълим тизимида давлат талабларининг мониторинги ва уларга риоя этилишининг самарали механизмларини яратиш;

2) Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот беришнинг замонавий шакллари жорий этиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорликда ортиқча маъмурий оврагарчиликларга барҳам бериш;

3) Вазирликнинг бошқарув жараёнига ишни режалаштириш ва ташкил қилишнинг замонавий инновацион усулларини, сифат менежменти тизимларини, аниқ натижаларга эришишга қаратилган мақсадли индикаторларни, ходимларни танлаб олиш, мотивация қилиш, ривожлантириш ва баҳолаш усулларини жорий этиш;

4) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни, жумладан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш;

5) мактабгача таълим муассасаларининг турлари, шакллари ва ихтисослаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, бутун республика бўйича мактабгача таълимни жон бошига норматив молиялаштиришни изчил жорий этиш;

6) мактабгача таълим соҳасида бюджетдан молиялаштиришни бошқаришдаги янги ёндашув сифатида, мактабгача таълим муассасалари хизматларига давлат буюртмасини жорий этиш;

7) давлат мактабгача таълим муассасаларининг ишлашдан мақсадларини ҳамда товарлар ва хизматларни табиий кўринишда истеъмол қилишнинг оқилона меъёрларини ҳисобга олган ҳолда уларни молиялаштиришнинг янги нормативларини ишлаб чиқиш ҳисобига мактабгача таълим хизматларидан кенг аҳоли қатламлари фойдаланишини таъминлаш;

8) молиявий назорат, мактабгача таълим муассасалари томонидан бюджет қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш;

9) мактабгача таълим тизимига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, улар иштирокидаги амалдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

6-§. Мактабгача таълим тизимига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш

Сифатли мактабгача таълимни бериш асосларидан бири бошқарув ва педагог кадрларни тайёрлаш даражаси ва уларнинг профессионализи ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар бажарилди. Чунончи, «Мактабгача таълим» бакалавриат таълими йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига қабул қилиш квоталари оширилди, мазкур йўналишда ўқиш муддати уч йилгача қисқартирилди.

Республика мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув-методик маркази негизида Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилди ва унга мактабгача таълим тизими ходимларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, мактабгача таълим соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради:

1) халқаро талабларга жавоб берадиган ягона кўп даражали узлуксиз таълим тизимини яратиш;

2) таълим ва амалиётни интеграциялаштирган ҳолда халқаро таълим стандартлари, ўқув-методик режа ва дастурлар, интерактив ва муаммоли-вазиятли ўқитиш усуллари ва тренинглари, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

3) мактабгача таълим тизими ходимларига қўйиладиган малака талабларини янада такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда педагог ходимларнинг касбий стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш йўли билан мактабгача таълим соҳасида кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида кадрлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш учун, шу жумладан мамлакат ҳудудларида, таълим муассасалари сонини ошириш;

5) мактабгача таълим тизими ходимларининг хориждаги етакчи университетларда, илмий марказларда ва бошқа таълим ташкилотларида стажировка ўташини ташкил қилиш;

6) Вазирликнинг педагогика коллежлари фаолиятини ташкил қилиш, уларни малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминлаш чораларини кўриш;

7) хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш, мактабгача таълим соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасида уларнинг филиалларини очиш;

8) тажриба алмашиш, таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш;

9) ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини энг юқори профессионал даражада бажара оладиган, юқори интеллектуал қобилият ва ахлоқий хислатларга, чуқур касбий билимларга эга энг малакали ходимларни саралаб олишда рақобат муҳитини таъминлайдиган кадрларни шаффоф танлов асосида танлашнинг янги механизмларини жорий этиш;

10) мактабгача таълим тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

11) мактабгача таълим муассасалари раҳбарларига зарурий касбий компетенциялар рўйхатини ўз ичига олган талабларни белгилаш, сертификатлаш тизимини жорий этиш;

12) стратегик бошқарув, молиявий ва HR-менежмент асосларини мажбурий жорий этган ҳолда, мактабгача таълим тизимида бошқарув кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

7-§. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом ва баланслаштирилган озиқ-овқат, сифатли тиббий парвариш билан таъминлаш

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири болаларнинг соғлом овқатланишини, улар соғлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш хизматлари билан таъминлаш, шунингдек, тарбияланувчиларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шароитлар яратишдан иборат.

Соғлом, хавфсиз ва сифатли овқатланишни таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал қилиш учун давлат мактабгача таълим муассасаларида бундай хизматларни кўрсатиш қисман аутсорсинг шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига берилган.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мактабгача таълим тизимидаги тиббиёт ходимларининг малакасини тизимли ошириш бўйича чора-тадбирлар фаол қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, соғлом авлодни тарбиялаш вазифаларини самарали ҳал қилиш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

1) мактабгача таълим муассасаларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва етказиб берувчиларнинг нарх сиёсатига амал қилишини назорат қилишнинг шаффоф марказлаштирилган тизимини яратиш;

2) тайёр таомларни тайёрлаш ва мактабгача таълим муассасаларига етказиб бериш учун ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналарини, жумладан аутсорсинг асосида жалб қилиш;

3) мактабгача таълим тизимида соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматлари билан мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;

4) болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги таъминоти учун муносиб, жумладан, тўлақонли, тўғри, баланслаштирилган, соғлом овқатланиш, асосланган тиббий кўрсатмаларда белгиланган ҳажм ва тезликдаги, кўнгилочар машғулотлар ва билим олиш элементлари мавжуд фаол ўйинлар ва машқлардан иборат шароитларни яратиш;

5) ривожланишида жисмоний ёки психик бузилишлари бўлган болаларга барвақт комплекс ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш;

6) ривожланишида жисмоний ёки психик бузилишлари бўлган болаларда асосий компетенцияларни зарурий сифат даражасида шакллантиришга эришиш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга интеграциялашуви таъминлаш.

3-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга оширишдан қўйидаги натижалар кутилмоқда:

барча болаларга сифатли мактабгача таълим олиш учун бир хил имкониятларни таъминловчи мактабгача таълимнинг самарали инновацион тизимининг шаклланиши;

мактабгача таълимни инсоннинг бутун ҳаёти давомидаги узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи сифатида белгилаш, болани шахс сифатида жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда унинг роли оширилиши;

мактабгача таълим муассасаларининг намуна ва турлари хилма-хиллиги асосида мактабгача таълим тизимида институционал ўзгаришлар амалга оширилиши, мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитининг яратилиши;

замонавий энергия ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш асосида мактабгача таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг кенгайтирилиши, уларнинг ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар, мебель, компьютер техникаси, ўқув ускуналари билан жиҳозланиши;

мактабгача таълим соҳасига хусусий секторнинг жалб қилиниши, унинг ижтимоий жавобгарлиги оширилиши, молиялаштириш манбаларининг кенгайтирилиши ва мактабгача таълим хизматлари турларининг кўпайиши;

мактабгача таълим тизимини молиялаштиришнинг кўпайтирилиши, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишда бюджет маблағларидан фой-

даланиш самарадорлигининг оширилиши, педагог ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлашнинг таъминланиши;

мактабгача таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий-давлат тизими жорий этилиши;

олти ёшли болаларнинг мажбурий бир йиллик бепул умумий бошланғич таълимга тайёрлаш билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланиши;

3 — 7 ёшгача болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши;

мактабгача таълим муассасаларида педагог ходимлар сони 247,7 мингтагача етказилиши.

4-боб. Концепциянинг амалга оширилишини мониторинг қилиш

1. Концепциянинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, умумий мувофиқлаштириш, республикада мактабгача таълимнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор қўриб чиқиш ва ҳал қилиш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

2. Концепцияни амалга ошириш мониторинги иловага* мувофиқ Концепцияда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли бажариш бўйича ваколатли органлар фаолиятини баҳолаш индикаторлари асосида амалга оширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

365 «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2683-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ–5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 80-сон «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2015 йил 5 июндаги 2015-20, 50-сон «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2683, 2015 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 24-сон, 317-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 апрель,
2019-16-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 майда эълон қилинган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 апрель,
34-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

366 Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3158

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 80-сон «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 апрель,
2019-17-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил
4 апрелдаги 2019-17-сон қарорига
ИЛОВА

**Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур
бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини
юретишнинг марказлаштирилган электрон реестрини
шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ–5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 80-сон «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини (бундан буён матнда Иш ҳақини ҳисобга олиш реестри деб юритилади) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Иш ҳақини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш ва юритишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар ягона ахборот базаси (бундан буён матнда ДСҚнинг марказлашган ахборот базаси деб юритилади) негизида фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақини якка тартибда ҳисобга олиш бўйича маълумотларнинг ягона электрон ахборот базасини яратиш ҳисобланади.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

якка тартибдаги ҳисобга олиш — иш берувчи томонидан ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш ҳақи суммаси тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида электрон ҳисобни юритиш;

иш берувчи — жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракти) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақини ҳисоблаш мажбурияти зиммасига юклатилган юридик шахс;

жисмоний шахс — иш берувчи билан меҳнат шартномаси (контракти) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган шахс.

3. Якка тартибдаги ҳисобга олиш фақат Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига нисбатан қўлланилади.

4. Якка тартибдаги ҳисобга олиш қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

- мажбурийлик ва ҳаққонийлик;
- тўлиқлик ва тезкорлик;
- маълумотларнинг ҳаммабоплиги ва очиқлиги.

2-боб. Иш ҳақини ҳисобга олиш реестрини шакллантириш ва юритиш

5. Иш ҳақини ҳисобга олиш реестри фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар (бундан буён матнда маълумотлар деб юритилади) асосида ДСҚнинг марказлашган ахборот базасида шакллантирилади.

6. Иш берувчи маълумотларни солиқ ҳисоби бўйича жойлашган давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган муддатларда тақдим этади.

Бунда иш ҳақини ҳисобга олиш реестрида ҳисобга олиниши лозим бўлган маълумотлар электрон шаклда иш берувчи томонидан «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг (рўйхат рақами 3126, 2019 йил 21 январь) 2-илоvasидаги Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлов бўйича солиқ ҳисоботи шакллари мувофиқ расмийлаштирилади.

7. Давлат солиқ хизмати органлари маълумотларни келиб тушишига кўра, ДСҚнинг марказлашган ахборот базасига киритади.

8. Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш ишларини ўз вақтида ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ДСҚнинг Марказлашган ахборот базасида жойлашган маълумотлардан фойдаланиш учун давлат солиқ хизмати органларига электрон сўров юборади.

Давлат солиқ хизмати органлари ДСҚнинг марказлашган ахборот базаси орқали маълумотларни электрон сўров келиб тушган куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тақдим этиши лозим.

3-боб. Жисмоний шахс, иш берувчи ва давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Жисмоний шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан ойма-ой бўлинган ҳолдаги маълумотлар тўғрисида маълумотномани бепул олиш;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни олиш бўйича давлат интерактив хизматидан фойдаланиш;

иш берувчи томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этил-

ган маълумотларда хатоликлар аниқланган тақдирда иш берувчидан маълумотларни тўғрилаш ва қайта топширишни талаб қилиш.

10. Жисмоний шахс солиқ тўловчининг идентификацион рақами (ИНН) берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш, уни сақлаш ва иш берувчининг талабига кўра тақдим этиши лозим.

11. Иш берувчи ўзи томонидан тақдим этилган маълумотлар билан солиқ ҳисоби бўйича жойлашган давлат солиқ хизмати органларидаги якка тартибдаги ҳисобга олишни юритилишининг тўғрилиги юзасидан маълумотларни ўзаро солиштириш ҳуқуқига эга.

12. Иш берувчининг мажбуриятлари:

жисмоний шахснинг аризасига асосан мазкур жисмоний шахс бўйича ойма-ой бўлинган ҳолдаги маълумотлар тўғрисидаги маълумотномани ариза олинган кундан бошлаб уч иш кунни давомида бепул бериш;

маълумотларга тузатишлар киритилган ва давлат солиқ хизмати органларига қайта топширилган тақдирда жисмоний шахсни хабардор қилиш.

13. Давлат солиқ хизмати органлари иш берувчидан якка тартибдаги ҳисобга олиш учун маълумотларни ўз вақтида ва зарур даражада расмийлаштирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

14. Юридик шахс қайта ташкил этилган (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш, ўзгартириш) тақдирда, маълумотларни бериш бўйича мажбурият унинг ҳуқуқий ворисига юклатилади.

15. Юридик шахс тугатилган ҳолатларда маълумотлар юридик шахс солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан ДСҚнинг марказлашган ахборот базасида мавжуд маълумотлар асосида берилади.

4-боб. Яқуний қоидалар

16. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 3 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 4 майдан 10 майгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2019 йил 4 апрелдаги 2019-16-сон, 34-сон «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2683-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 4 апрелдаги 2019-17-сон «Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3158.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2683, 2015 йил 16 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 6 майдаги 214-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.